




ТОШКЕНТ

Газета 1998 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар иқтисодий-
саноат газетаси

ОҚШОМИ

№ 142 (9.180)



1998 йил

2 декабрь, чоршанба



Сотувда эркин нархда


ЎЗБЕКИСТОН—ҚИРГИЗИСТОН:

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Илгари хабар қилинганидек 30 ноябрь куни Қирғизистон Президенти Аскар Акаев амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Ташриф дастурида кўзда тутилганидек, дастлаб Дўрмон қоргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳамда Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик, икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, коммуникация, гидро-энергетика, Қирғизистонга Ўзбекистон газини етказиб бериш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Президентларнинг ўзаро суҳбати кечаётган пайтда, қоргоҳнинг мажлислар залида икки давлат расмий делегациялари вакиллари-нинг учрашуви бўлди. Унда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисида, икки давлат ўртасидаги фўкарролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномаларнинг ратификация ёрликлари алмашилгани тўғрисидаги протоколлар имзоланди.



Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Қирғизистон Президенти Аскар Акаев икки давлат ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрликлари алмашилгани тўғрисидаги протоколлар имзоладди.

Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар. Ислам Каримов журналистларга Аскар Акаевнинг Қирғизистонга ташриф буюриши, Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш тўғрисидаги таклифларини қабул қилганини ҳам маълум қилди.

Шу билан Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг Ўзбекистонга амалий ташрифи ниятисига етди. У шу куни Тошкентдан Батанига жўнаб кетди.

СУРАТДА: учрашув пайти.
Абдувоҳид Тўраев олган сурат

Тожикистондаги воқеалар ҳақида

30 ноябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Дўрмондаги қоргоҳида Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг мамлакатимизга амалий ташрифи уюлганлиги бағишлаб ўтказилган матбуот конференциясида Тожикистондаги воқеалар ҳақида баёнот берди.

Куйида шу баёнот матни эълон қилинмоқда.

Етти йилдирки, Тожикистон фўкарролар урушининг оқибатларини бошдан кечирмоқда. Агар турли қуролли тўқнашувлар, террористик хужумлар, одамларни гаровга олишлар ва умуман минтақавий низолағар қараб ҳулоса чиқариладиган бўлса, Тожикистонда фўкарролар уруши тўғаман, деган тасаввур тўғилади.

Ҳокимият учун минтақавий ва уруғ-аймқоқчилик кураши бормоқда, бу кураш ниятда шафқатсиз суратда бўлиб, қуролли тўқнашувларга айланиб кетмоқда.

Ғийбанд моддалар ишлаб чиқариш ва уларни олиб ўтиш ниятда улкан миқдос касб этди. Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида тонналаб ғийбанд моддалар ушлаб қоллинмоқда.

Айни вақтда нарқобизнесга ҳокимият ва ҳарбий-маъмурий тузилмалар ҳам аралашиб кетган. Шундай деб айтишга бизда барча асослар бор.

Биз, Ўзбекистонликлар, Тожикистонда тинчлик жараёнини ўрнатиш масаласи Москвада имзоланган битим асосида ҳал этилиши керак, деган қатъий фикрдამиз.

Тожикистоннинг жафокаш халқи учун тинчликка эришишнинг ягона йўли — бу фақатгина тинч музокаралик йўлидир. Ҳақиқатда эса биз тинчлик музокаралирининг натижаси сифатида ҳозирча Раҳмонов бошчилигидаги Кўлоб ғуруҳи ва жаноб Нурий бошчилигидаги Бирлашган тожик муҳолифати ўртасида амал портфелларини бўлиб олишни кўрмоқдамиз.

Бирок Тожикистонда бошқа минтақалар ва бошқа сийсий қучлар ҳам борки, улар ҳам ҳокимиятга даъвогарлик қилимоқда. Кўлоб ғуруҳининг ичиди ҳам ҳокимиятни ва тасқир доираларини бўлиб олиш учун қаттиқ жанжал ва кураш кетмоқда. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Бугун рўй бераётган кескинликнинг, қуролли тўқнашувларга айланиб кетаётган курашнинг сабаблари ана шунда.

Мана шундай вазиятда Раҳмонов атрафиди айрим қучлар воқеалар ривожини миллатлараро ва давлатлараро тўқнашуга айлантириб юборишни жуда жуда истайпти.

Ташқарида душман топиш ва шу асосда ҳокимият атрафиди пашахўрда бўлиб юрганларнинг барчасини бирлаштириш — унчалик қийин иш эмас.

Бу воқеаларда Ўзбекистоннинг қўлини излаётган кимсаларнинг барчасини ҳаракатга келтириётган гаразли максад ана шундан иборат. Бу ишда уларга Россиянинг баъзи бир махсус хизмат идоралари қўмак бермоқда. Бизда буни тасдиқловчи зарур ҳужжатлар бор.

Энди бу ишларда Ўзбекистоннинг қўли бор, деган даъволар ҳақида икки оғиз сўз.

БАЁНОТ

Тожикистонда 1 миллион 300 мингдан зиёд ўзбек яшайди. Бу Тожикистон аҳолисининг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Агар ўзбек-тожик аралаш оиаларини ҳам ҳисобга олсак, бу рақам янада ортади.

Раҳмонов жанобларининг собиқ бош сафдоши — полковник Худойбердиевнинг ўзи яқинда Россия матбуоти вакиллариға интервьюсида баёнот берганидек, унинг отаси — тожик, онаси эса — ўзбек. Бундай мисоллар юз минглаб топилади.

Бундай аҳволда кимнинг ўзбек, кимнинг тожик эканини қандай ажратиш мумкин?

Бу масалада бизнинг қатъий позициямиз шундай:

Тожикистонда истиқомат қиладиган ҳар бир инсон — қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар — у аввало Тожикистон фўкарросидир. У шу мамлакатнинг Конституцияси ва барча қонунари талабларини бажаришга мажбур.

Яқинда Ленинобод вилоятида юз берган қонли воқеалар ҳақида Тожикистоннинг ҳукумат доиралари ва Россия телевидениеси ҳақида ахборот воситалари кўтарётган катта шов-шув ва миш-мишлар ҳақида гапирсак, мен қуйидагиларни баён этишмоқман:

Биринчи. Қани, айтинг-чи, дунёда ўзининг шундоқ ёғинасида (Тошкентдан икки юз километр нарида) танглик ва қуролли тўқнашув келтириб чиқарадиган биронта давлат, биронта мамлакат борми? Уйлайманки, йўқ. Ахир, бу мижаро тезда Ўзбекистон ҳудудига ҳам ўтиши мумкин-ку!

Иккинчи. Худойбердиев жангарилари Ўзбекистон чегарасидан ўтгани ҳақида гапирмамоқда. Ва бу ҳақида минглаб уйдирмалар тарқатилмоқда, матбуот конференциялари ўтказилмоқда, Россия телевидениеси кўрсатувлари намойиш қилинмоқда.

Шу муносабат билан мен мутлақо қатъий таразда таъкидламоқман:

Ўзбекистон томони Ленинобод вилоятидаги қонли воқеаларда асло иштирок этгани йўқ ва иштирок этмайдиган.

1994 йили Бирлашган тожик муҳолифатининг етакчиларидан бири — жаноб Тўрақоновда Ўзбекистонда расмий даражада қабул қилинган эди. Бу — тожиклараро музокараларнинг бошида айнан Ўзбекистон турганини тасдиқлайди. Бу ҳақиқатни унутмаслик керак.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги давлат чегараси минглаб километр масофага қўйилган. Лекин бизнинг давлатларимиз ўртасида том маънодаги чегара йўқ — мен бу ерда узлуксиз чегарани назарда тутмоқдаман.

Бу — ҳаммага маълум. Хар қандай миллат мансуб истаган одам ёки одамлар, ғуруҳ бирон-бир йўналишда чегарани кесиб ўтаревиши мумкин.

Ҳаракатни чеклаш масалаларида бу каби чегара, масалан, Чеченистон билан Доғистон ўртасида ҳам мавжуд.

Темирйўллар ва асосий автомобиль йўлларидангина постлар қўйилган. Назорат қилинмайдиган йўлларнинг эса сон-саногги йўқ.

Шундай аҳволда ҳам, соғлом фикрловчи ҳар бир кимсага аён бўлиши керакки, минг нафарга яқин қуролланган ғуруҳ —

(Тожикистон расмий доираларининг гапига қараганда, Худойбердиев тарафдорларининг умумий сони айнан шунча) чегарадан ўта олмас эди. Бу — ақлга сиймайдиган гап.

Ва ниятот:

Биз Худойбердиевнинг қўллаб-қувватлаганимизда жанубдан шимолга — Ўҳжандаги олиб чиқувчи бутун бир ҳудудимиздан етти юз нафардан иборат қуролли ҳарбий қисм, ҳарбий составини ўтказиб юбормаган бўлардик.

Бунча ҳамма билиши керак.

Тожикистон томони Турсунзода шаҳрида бир неча кун уриниб битта состав тузишни эпюломади — шу ишди ҳам ўз зиммामизга олишга мажбур бўлдик.

Икки томоннинг ҳарбий тузилмалари, ҳукумат ва мамлакат раҳбарлари даража-сида вазиятни атрафиқча муҳокама қилиш ўрнига (воқеалар бошланган кун 4 ноябрдаёқ мен бу ҳақида шахсан Раҳмоновга қўнғирок қилиб айтганман) Тожикистон парламенти сессиясида асосланмаган, оқибати нима бўлишини мутлақо ўйламай, айтиш мумкинки, қуруқ жазаванд иборат баёнот эълон қилинди.

Тарихи қадим ва бой, ақл-заковат ва маънавий салоҳияти юксак Тожикистондек мамлакат раҳбарияти орасида узқоқни кўра олмайдиган, фикри тор, қалтабин кимсалар борлигига бугун фақат таассуф қилиш мумкин.

Биз мазкур вазиятдан чиқишининг йўлларини қуйидагилардан иборат деб билимиз:

Биринчидан. Мен Тожикистон раҳбарияти оқилона фикрга келишига ишонаман.

Иккинчидан. Игволағар учмаслик керак. Зеро, бу мижароларда олти-етти йилдан бери боши мусибат ва йўқчиликдан қийматган тожик халқининг мутлақо айби йўқ.

Учинчидан. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида чегара қуриш ва уни мустақамлаш зарур. Агар зарур бўлса, чегарадан ўтишининг виза режимишни ўрнатиш даркор.

Тўртинчидан. Тарихий тақдири ва маънавий аънавалари бизга жуда яқин бўлган шаҳсан меннинг фикримни билмоқчи бўлсалар, мен шундай деган бўлардим: Бирлашган Миллатлар Ташкилати, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилати ва бошқа халқаро тузилмалар раъномалигида Тожикистонда эркин демократик сайловлар қанча тез ўтказилса, шунча яхши.

Воқеаларнинг ноҳуш туз олиниши йўл қўймаслик, айтиш мумкинки, ўзаро низо-нинг ўта қуяйиб кетмаслиги учун Тожикистон халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин изҳор этиб, қонуний, умумийроқ этган ҳукуматини сайлаб олиши керак.

Тақрирлайман, бу иш қанчалик тез амалга ошса, Тожикистон халқи учун, мазкур минтақада яшовчи бошқа халқлар учун шунча яхши бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинганлигининг олти йиллиги
муносабати билан, шунингдек
инсонпарварлик тамойилига амал қилиб,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 93-моддаси
20-бандига асосан,

ҚАРОР ҚИПАМАН:

- Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қўйидаги маҳкумлар озод қилинсин:
 - а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган, шунингдек Чернобыль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этган шахслар;
 - б) 60 ёшдан ошган аёллар;
 - в) воёга етмаган ёшда жиноят содир этган шахслар;
 - г) биринчи ва иккинчи ғуруҳ ноиронлари.
- Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.
- Беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камидан тўртдан бир қисминини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.
- Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камидан ярминини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.
- Иккинчи жаҳон уруши катта бўлмаган, қонунда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолар тайинлаш назарда тутилмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қўрилмаган шу тоифадаги ишлар ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти
Тошкент шаҳри,
1998 йил, 1 декабрь.

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЧУҚУРЛАШМОҚДА

Мулкдорчилиқнинг ва рақобатли муҳитнинг кенг қиррали турларини ривож-ландириш асосида коммунал хизматларнинг сифатини ошириш ва уларнинг ўзини-ўзи қоплаш тизимиға босқичма-босқич ўтиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси 1998 йил 3 ноябрдаги № 461-сонли «Аҳолиға коммунал хизматлар қўрсатиш тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Уни сўзсиз бажариш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 3 ноябрдаги № 461-сонли «Аҳолиға коммунал хизматлар қўрсатиш тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 4 ноябрдаги № 462-сонли

«Аҳолининг уй-жой-коммунал хизматлар ва электр қуввати учун ҳисоб-китоб қилишларни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш ва қўрсатилган уй-жой-коммунал хизматлар, электр қуввати учун ҳисоб-китоб қилишни яхшилаш ва аҳолиға қўрсатилган хизматлар сифатини яхшилаш ва уларни узлуксиз равишда таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 4 ноябрдаги 462-сонли «Аҳолининг уй-жой-коммунал хизматлар ва электр қуввати учун ҳисоб-китоб қилишларни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш тўғрисида» ҳам қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган уй эгаларининг ўзини-ўзи бошқариш жамоа органлари — Уй эгалари кенгашлари тўғрисидаги Низом билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға кўра Гофуржон Мухамедов Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат қўрсатиш вазири этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға кўра Виктор Михайлов бошқа ишға ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат қўрсатиш вазири вазифасидан озод қилинди.

• Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказининг Қашқадарё вилоят бўлимида мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» китобини ўрганишға бағишланган илмий-амалий анжуман бўлди.

• Швециянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган «АБ Волво» корпорацияси катта вице-президенти Ларс Аннел бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида бўлдилар. Бу ердаги учрашувда Ўзбекистонда «АБ Волво» корпорациясининг ваколатхонасини очиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикрлашиб олинди. Делегация аъзолари шунингдек «Ўзвотсаноат» уюшмасида ҳам бўлдилар.

• Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси» гоғларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мижассамланиши» мавзусида илмий-амалий конференция бўлди.

• **Кеча** мамлакатимизда АҚШ конгрессмени Жозеф Питц раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ва Молия вазирлиқларида бўлдилар.

• **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасида республика божхона хизмати раҳбарлари ва ходимларининг Буюк Британия Қироллиги ва Шимолий Ирландиянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва Мухтор элчиси Барбара Логан Хей билан учрашуви бўлиб ўтди.

• Болалар ижодиёти марказида «XXI аср мусаввирлари» деб аталувчи кўргазма ўтказилди.

• **Кеча** Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари ходимларининг Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси раҳбарлари билан очик мулоқоти бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Маълумки, «Ўзбекивест» миллий экспорт-импорт сугурта компанияси 1997 йили МДХ мамлакатлари орасида биринчи ва ҳозирча ягона кредит инвестициялари сугуртачиларининг Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари халқаро Иттифоқи (Берн Иттифоқи) экспорт-кредит агентлиги йиғилишларининг тўла ҳуқуқли иштирокчиси бўлган эди. Яқинда Лондонда бўлиб ўтган мажлисда Берн Иттифоқи аъзолигиға белгиланган қоидаларға мувофиқ наватбатдаги мажлисини 2000 йилнинг май ойида Тошкентда ўтказишға қарор қилинди.

• Яқинда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Эрон ва Покистон давлатлариға ташриф буюрди. Сафар давомида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

• Латвия парламенти Вилис Криштопанс раҳбарлигидаги янги ҳукуматни тасдиқлади. Янги ҳакаманинг барча 16 нафар вазири марказ камчилик партиясининг вакилларидир.

• Исроил ташқи ишлар вазири Ариел Шарон ва яна бир қанча вазирилар Ливандан Исроил қўшинларини босқичма-босқич олиб чиқишни ёқлаб фикр билдирдилар. Фақат олиб чиқилаётган қисмлар хавфсизлиги тўла таъминланиши даркор.

• Украинада қончиларнинг қўмири тармоғини молиялаштириш мақсадлари учун ажратиладиган бюджет маблағларини оширишни талаб этувчи янги норозилик ҳаракатлари бошланмоқда.

• **Кеча** Япониянинг Киото шаҳрида жаҳон мероси бўйича қўмитанинг наватбатдаги 22-сессияси очилди. ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданият ва табиий мерослар маркази томонидан ўтказилаётган ушбу анжуманда Ўзбекистон қузатувчи сифатида иштирок этмоқда.

• **Кеча** румин халқи ўзининг миллий байрами — Руминия кунини нишонлади.

• Аҳмад Шох Маъсуд қўшинлари Кобул аэропортиға ракета зарбалари бердилар.

• **Кеча** Беларуссия ҳукумати иқтисодий вазият мураккаблашганлиги туфайли республикадаги аҳвол хусусида Президент Александр Лукашенко олдида ҳисоб берди.

• Бишкекда «Марказий Осиё халқларининг манзарали-амалий санъат ярмаркаси» деб аталувчи халқаро кўргазма ниятисига етди. Ўзбекистон хунармандлари қўли билан яратилган буюмлар кўргазмага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди.

• Греция, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Россия, Украина ва Ўзбекистонда беғул тиббий хизматлар қўрсатадиган 21 та касалхонани ташкил этиш дастурини эълон қилди.

• **Бугун** ГФР Президенти Роман Хёрцок Буюк Британияға ташриф буюради.

• Алматыда «Марказий Осиё» учун соғлиқни сақлаш юзасидан ахборот тармоқлари мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинар ишда Ўзбекистон журналистлари ҳам қатнашдилар.

• АҚШ Чилининг собиқ диктатори Пиночетнинг қисмати билан боғлиқ бўлган мижароли вазиятға аралашди. Вашингтон Чили маъмулларининг ўзи ана шу иш бўйича қарор қабул қилишларини таклиф этди. Бинобарин ҳозир Чили ташқи ишлар вазири Мадридға бориб, Испания маъмулларини Пиночетни уларға беришға мажбур қилмаслиқка ишонтиршға узинмоқда.

• Хиндистоннинг ҳозирги Бош вазир Атал Бихари Ваджапай бошлиқ «Жаната парти» партияси кенгрессоға бўлган сайловларда жуда ҳам овоз олди.

• Бельгиянинг Лалуве шаҳрида ниятисига етган анъанавий «Гран-при» кубоги мусобақасида Навоийнинг «Олтин сува» сузиш марказининг 7 нафар сузувчиси катта муваффақиятқа эришди. Ушбу мусобақада ўзбекистонликлар 7 та олтин ва 3 та қумуш медалға муяссар бўлдилар.

• 6 декабрда Таиланда XIII Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлади.

• **Эртага** XIII Осиё ўйинлари доирасида футбол бўйича Ўзбекистон терма командаси Қувайт терма командаси билан учрашади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қўлига

ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ

1991 йил Ўзбекистон учун тарихий йил бўлди. Биринчи сентябрдан жаҳонда яна бир давлат — мустақил Ўзбекистон Республикаси ташкил топганлигини бутун дунё эшитди. Ўзбекистон тез орада жаҳон мамлакатлари ичидан ўз ўрнини топа бошлади. Хозирги пайтда уни 170 дан ортиқ давлатлар тан олган. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди.

Жаҳон андозасига кўра ҳар бир давлатнинг ўз Асосий Қонуни (Конституцияси) бўлади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати 1992 йил давомида Конституция лойиҳасини тайёрлади ва уни умумхалқ муҳокамасидан ўтказди. Нихоят, 1992 йил 8 декабрь — иккинчи чақириб Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Бу ҳақда Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» қабул қилиниши ҳақида Фармонни эълон қилиди. 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кун — умумхалқ байрами — дам олиш кuni ҳисобланади.

Республикамиз Конституцияси қуйидаги сўзлар билан (муқаддима) бошланади:

«Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ҳолатига содиқлигини тантанали равишда эълон қилади;

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидagi юксак масъулиятини аниқлаган ҳолда, Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таърибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намойиш қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунилигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни қўлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг муҳтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

Асосий Қонуниимиз олти билим, йигирма олти боб, бир юзу йигирма етти моддадан тузилган. Биринчи бўлимда асосий принциплар келтирилган. Биринчи бобда давлат суверенитети ҳақида сўз юритилган. Шу бобнинг 1-моддасидаги сўзлар қуйидагича:

«Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номилари бир маънони англатади. Иккинчи моддада давлатнинг вазифаси қайд этилади:

«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлимсиздир. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъёнлари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди. Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган давлат рамзлари — Байроғи, Герби ва Мадҳиясига эга. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри. Иккинчи боб, 7-моддада: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан, бир манбаидир», дейилади. 10-моддада эса «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин».

Учинчи боб «Конституция ва қонуннинг устунилиги» ҳақида бўлиб, шу бобнинг 15-моддасида, «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунилиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўладилар», дейилади.

Иккинчи бўлим «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб аталади, 5-бобда, «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир халқ ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», деб қайд қилинади. Шу бўлимнинг «Фуқаролик» бобидagi 21-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. Қорақалпоғистон Республикаси

қасининг фуқароси айна вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳақида тартиби қонун билан белгиланади», деган қўйма сўзлар мавжуд.

Мана олти йил давомида халқ онгига сингиб кетишда, унинг жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ўртасида ҳам обрў-эътибор қозонишида инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ҳолатига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидagi юксак масъулиятни ангаш, Ўзбек миллий давлатчилигининг тарихий таърибасига таяниб, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва ниҳоят фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамкорликни қаролатлаш каби Конституциямиздаги тамойиллар ниҳоятда қўл келди.

Мустақилликнинг беш мақсади — Ўзбек миллий обрўсини жойига қўйиш эди. Конституциямиз эса давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома бўлиб, ҳозирги пайтда дадил одим отмоқда. «Шу маънода, — деб таъкидлайди Президентимиз Ислам Каримов, — Асосий Қонуниимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, иқтисодий онги ва маданиятини акс эттирди. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маъсулидир».

Тоталитар тузум давридаги мутеллик ва қарамлик ўша давр Конституциясида ҳам ўз аксини топан эди. Миллий Конституциямизнинг энг муҳим муҳияти шундан иборатки, унда, «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдига масъулдирлар, яъни фуқаролар манфаатининг устунилиги қонунини равишда мустақамланган ва қаролатилган». Ҳозирги демократик, инсонпарвар Ватанимизда ҳар бир шахс ва унинг ҳаёти, эрки, шайи, қадриятлари ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, қўра қирадигай асралиб, давлат ҳимоясидадир.

Президентимиз Ислам Каримов соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли, до-нишнома фикрларини эъқолик билан ишлатадилар: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади». Унинг сўзларини тарих саҳифаларига зарҳал қўнган билим эиби қўймоқ керак. Қонун чикарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таяничи эканлигини ҳар бир фуқаро бир дақиқа ҳам унутмаслиги лозим.

Адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, мардлик, тинчлик каби улғун инсоний фазилатлар халқимиз учун ўзига ҳо ҳусусиятдир. Ўзбек халқининг мардлиги, меҳнатсеварлиги тарих шохидлик беради. Давлатимизнинг Асосий Қомусида халқимизнинг ушбу хислатлари етакчи мезон сифатида гавдаланади.

Меҳр-окибат, одамийлик, ўзга миллат ва элларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш; ор-номус, ифдат ва ибo каби эзгу фазилатлар шу муқаддас Турон заминида яшаган ва яшаётган инсонлар учун ҳо ҳусусиятдирки, бу ердан дунё маданиятининг хазинасига бекиш ҳиса қўшган илму фан арбоблари — Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Форобий, Хоразмийлар, аз-Замаҳшарий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Термизийлар, улғун саркардалар, қунончи Бобурдек ҳинд халқи меҳрини қозонган шахслар етишиб чиқанлар. Атоқли кирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов Ўзбек халқининг Марказий Осиёдаги ўрни тўғрисида гапирар экан, бу фавқуллодга ҳодисани қадимги Юнон-Рим маданиятининг Европага қўрсатган таъсирига қийслаган эди.

Президентимиз Ислам Каримов Асосий Қонуниимиз ҳақида фахр билан гапирар эканлар, Конституциянинг қойда — миллий истиқлол мафқураси Ўзбек халқи ва Ўзбекистонликларнинг тарихий ананалари, удумли, тили, дини, руҳиятига асосланиб, истиқболли келажак туйғуларини онгидига синдиришга хизмат қилади. Эркин, демократик ва ҳуқуқий давлат барпо бўлмоқда. «Биз орозу қилаётган фаровон, озода ва обод ҳаётга эришишимиз асосий шарти шунки, — деб таъкидлайди Ислам Каримов Ўзтелеерадиокомпанияси раиси саволлари га жавоб берар экан, унинг қонун-қоидаларига, талабларига бўйсуниб, рия қилиб яшаш керак». Бу эса Бахтмиз Қомусининг ҳаётиимиз мезонининг аниқ ва тўғри белгиланганлиги борасида йўлбошимиз томонидан эътироф қилинишидир.

Профессор Карим НОРМАТОВ, шарҳловчи.

Бугунги кунимизда газета-журнал ўқимаган, китоб мутолаа қилиб ўз маънавий бойлигини янада орттирмаган кишиларимиз камдан-кам учраса керак, албатта. Кишиларимизнинг маънавий юксалишини таъминлашда ўзининг муносиб улушини қўшиб келатган жамоалардан бири — ижарадаги Тошкент матбаа комбинатидир.

Бу жамоа қарийб 30 йил-дирки халқимизга сифатли ва зарур маҳсулотлар етказиб бериш йўлида изланиб, бугунги кунда мамлакатимизнинг етакчи ва нуфузли корхоналари сафидан ўрин олди. Корхонада нафақат дарсликлар ва бадиий адабиётлар, китоб-журнал маҳсулотлари, балки кейинги йилларда акциялар, сертификатлар, лотерея билетлари, бланкалар, лицензиялар ва бошқа турдаги юқори даражадаги химояланган ҳужжатларни, қозғоқ кутублари, гувоҳнома, талабалик билетлари, имтиҳон дафтарчалари ҳамда диплом ва аттестатлар, озиқ-овқат, саноат ва бошқа турдаги маҳсулотлар учун рангли тасвирлар билан безатилган картон қўтиларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Республикаимизда фаолият қўрсатётган ҳар бир наشريёт билан шарҳнома тузилган бўлиб, шарҳнома маҳбурятларини ба-жариш доимо мутасаддилар диққат-эътиборида туради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш республикаимиздаги барча корхоналар қатори бизнинг жамоамиз учун ҳам синов даври бўлди, десам янглишмайман, — дейди корхона бosh директори Марат Ғойпов. — Бозор йўли қанчалик масъулиятли, қийин бўлмасин, у ўтилиши муқаррар бўлган босқич эди. Ана шу босқич тўғрисида биз илгаригидан анча пухтарок, таърибалироқ, узокни кўзлаб корхона равақи йўлида иш юритишга ўргандик. Шунини алоҳида таъкидлаш уринлики, иқтисодий мураккабликлар даврида ҳам ишчи-ҳодимларимизнинг қайфиятига, моддий манфаатдорлигига асосий эътиборини қаратдик. Китоб маҳсулотларини ишлаб-чиқариш билан биргаликда, янги-янги маҳсулот турларини тайёрлашни ўзлаштиришга эришдик. Аммо, бу янги маҳсулотларни ишлаб-чиқариш учун, албатта, замонавий технологиялар зарур эди. Биз биринчи навбатда эътиборни янги технологиялар сотиб олишга

қаратдик. Ишлаб топилган фойданинг маълум қисmini сарфлаб, босма қўлип-лар цехи, босма цехи, шунингдек бошқа муҳим ишлаб-чиқариш бўғинларимизни янги техникалар билан тўла жиҳозладик. Бугунги кунда эса барча турдаги қозғоқ маҳсулотларидан ишлаб-чиқаришда фойдаланиш имкониятига эга бўлган энг ноёб ва замонавий ускуна ҳамда жиҳозларга эгамиз. Буларнинг барчаси ишчиларимизнинг тез ва соз ишлашлари-га, меҳнат унумдорлигининг орт-тишига, маҳсулот сифатининг яхши-лаишига асосий омил бўлди.

Чиндан ҳам корхона бозор иқтисодиёти муносабатлари тобора мослашиб, ўз макенини тиклаб олди. Бугун бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг анчагинаси жаҳон бозори талаб-ларига мос келиши киши-ни қувонти-ради. Айни кунларда Австрия ҳамда Германиядан олинган замонавий бо-сиш ускуна-лари билан жиҳозланган цехларда 700 нафардан зиёд киши меҳнат қўрсаткичларига эришишда асосий омил бўлди. Цехда тайёрланаётган маҳсулот тур-ларини қўлайтириш ҳамда сифатини яхшилаш мақсадида Германиядан 5 рангда безак-дор қўтилар ишлаб-чиқарувчи дастгоҳ ва «Бобст» номили маҳсу-сус ускунани олиб келиб ўрнатиш режаланмоқда.

Шунингдек, корхона жамо-аси чет эллик ҳамкорлар билан ишлаш масаласига ҳам муҳим эътибор қаратмоқда. Айниқса, Австрия, Германия, Швейцария, АКШ, «Россия» мамлакатлари билан алоқалар яхши йўлга қўйилган. Бунинг натижасида 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб «Гротекс» Ўзбекистон — Америка қўйма корхонаси фаолият қўрсатиб, бу ерда безак ишлари ва рангли маҳсулотлар ишлаб-чиқариш йўлга қўйилди. Қўйма корхона Германиянинг «Линотайп» ХЭЛЛ» фирмаси

лик бор жойда иш унумининг орттиши ўз-ўзидан маълум нараса.

Корхонанинг янги цехлари-дан бири — қўти ишлаб-чиқариш цехига Германиянинг «Хельденберг» фирмаси замонавий дастхонинг ўрна-тилиши қўл меҳнатни энгли-лаштириб, юқори меҳнат

технологияси билан жиҳоз-ланган. Бугунги кунда корхонанинг маҳсулотларига нафақат рес-публикамиздан, балки Ҳамдўстлик давлатларидан ҳам буюртмалар бор. Улар ўзларининг сифатли маҳсулотларини Россия, Қозғоғистон ва Қирғизистон мамлакатла-рига ҳам эк-спорт қилиш-моқда.

Хар бир жа-моада бўлгани сингари бу ерда ҳам фи-дойи, — ўз меҳнати билан қўй йиллардан бун корхона-га фойда кел-тираётган иш-чи-ларнинг сифати-га, қарилки гаштин сураётган меҳнат фахрийлари ҳамда уруш қатнашчиларини ҳеч қачон ёддан қичармайди. Уларга моддий ёрдам қўрсатиш учун шу йилнинг ўзида 500 минг сўм маблағ сарфланди. Уруш қатнашчи-ларига махсус омонат даф-тарлари очилиб, ҳар ойда пенсияларига қўшимча 1500 сўмдан пул ўтказиб берилмоқда.

Ишчиларнинг соғлиқ-ларини тиклаш учун турли ши-фо масканларига, оромгоҳларга муттасил ра-вишда йўланмалар бериб берилмоқда. Улар ўз имко-ниятларини ҳисобга олган ҳолда «Чортоқ», «Нав», «Чимен», «Навбахор» каби оромгоҳларда дам олади-лар. Йўланма баҳосининг 90 фоизи корхона қасаба уюшмаси зиммасига туша-ди. Шунингдек, ишчилар оилавий тарзда ҳар йили «Оқтош» дам олиш уйида 1 кун дам олиб қайтадилар. Ишчиларнинг ишдан бўш вақтларида спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу йил спорт жиҳозлари харид қилиш учун 15 минг сўм, ишчи-хизматчиларнинг пой-тахтимиздаги Митрофанов номили сузиш ҳавзасига бо-риб ўз саломатлиқларини тиклашлари учун 10 минг сўмдан ортиқ маблағ сар-фланди.

Ишчиларга эътибор бўлган жойда ишда барака бўлади. Тошкент матбаа комбинати ишчи-хизматчи-лари бундай ғамхўрликка ўз самарали меҳнатлари ҳамда раҳбарларнинг тўғри иш юритишлари боис эришмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА. СУРАТЛАРДА: чипта цехи ишчилари Саноат Бердиқуллова ва Дурдона Султоновлар меҳнат маҳсулини кўздан кечиришмоқда; чоп этувчи Аббор Парғиев доимо ўз дастхонини авайлаб-асрай-ди; корхонанинг компьютер шохобчасида билимдонлар меҳнат қилишади.

тўқимачилик ва энгил сано-ати институтининг матбаачи-лик факультетидан шартно-ма асосида таҳсил олмақдалар. Албатта, бу-нинг учун ишончли ва гай-ратли ёшлар танлаб олиноқмади.

1998 — Оила йили муно-сабати билан корхонада оилалар манфаатини қонди-риш борасидаги тадбирлар мажмуини қамраб олган мах-сус «Оила йили дастури» асосида талайгина ишлар амалга оширилганлигини ай-тайиб ўтиш ўринлидир. Қўп болали оилаларга бу йил Мустақиллик байрами муно-сабати билан 229 минг сўм берилди. Шунингдек, фар-занди биринчи синфга бо-радиган оилалар учун мо-ддий ёрдам қўрсатилди. Кор-хона шу ерда меҳнат қилиб, қарилки гаштин сураётган меҳнат фахрийлари ҳамда уруш қатнашчиларини ҳеч қачон ёддан қичармайди. Уларга моддий ёрдам қўрсатиш учун шу йилнинг ўзида 500 минг сўм маблағ сарфланди. Уруш қатнашчи-ларига махсус омонат даф-тарлари очилиб, ҳар ойда пенсияларига қўшимча 1500 сўмдан пул ўтказиб берилмоқда.

Ишчиларнинг соғлиқ-ларини тиклаш учун турли ши-фо масканларига, оромгоҳларга муттасил ра-вишда йўланмалар бериб берилмоқда. Улар ўз имко-ниятларини ҳисобга олган ҳолда «Чортоқ», «Нав», «Чимен», «Навбахор» каби оромгоҳларда дам олади-лар. Йўланма баҳосининг 90 фоизи корхона қасаба уюшмаси зиммасига туша-ди. Шунингдек, ишчилар оилавий тарзда ҳар йили «Оқтош» дам олиш уйида 1 кун дам олиб қайтадилар. Ишчиларнинг ишдан бўш вақтларида спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу йил спорт жиҳозлари харид қилиш учун 15 минг сўм, ишчи-хизматчиларнинг пой-тахтимиздаги Митрофанов номили сузиш ҳавзасига бо-риб ўз саломатлиқларини тиклашлари учун 10 минг сўмдан ортиқ маблағ сар-фланди.

Ишчиларга эътибор бўлган жойда ишда барака бўлади. Тошкент матбаа комбинати ишчи-хизматчи-лари бундай ғамхўрликка ўз самарали меҳнатлари ҳамда раҳбарларнинг тўғри иш юритишлари боис эришмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА. СУРАТЛАРДА: чипта цехи ишчилари Саноат Бердиқуллова ва Дурдона Султоновлар меҳнат маҳсулини кўздан кечиришмоқда; чоп этувчи Аббор Парғиев доимо ўз дастхонини авайлаб-асрай-ди; корхонанинг компьютер шохобчасида билимдонлар меҳнат қилишади.

Рустам Шарипов олган суратлар.

I. Умумий қоидалар

1.1 Уй эгаларининг ўзини ўзи бошқариш жамоат ор-ганлари — Уй эгалари ке-нгашлари уй-жой эгалари-нинг ўзини ўзи бошқариш жамоат органи сифатида ташкил этилади.

1.2 Уй эгалари кенгаш-лари ўз фаолиятида Ўзе-бкис-тон Республикаси Кон-ституциясига, уй-жой тўғрисидаги қонун ҳуж-жат-ларига, уй-жой фонди-дан фойдаланишга, уй-жой-ком-мунал хизматлар ва электр энергияси учун тўловларга доир бошқа меъёрий ҳуж-жатларга, мазкур низо-мга амал қилади.

II. Уй эгалари кенгашининг вазифалари ва функциялари

2.1 Уй-жой фонди-дан фойдаланиш, шунинг-дек, аҳоли томонидан коммунал хизматлар ва электр энер-гияси учун ҳақ тўлаиши билан боғлиқ масалаларни биргаликда ҳал этишда уй эгаларининг иштирок эти-шлари кенгайтириш Уй э-галари кенгашининг асосий вазифаси ҳисобланади.

2.2 Қуйидагилар Уй э-галари кенгашининг асосий функцияларини ҳисобланади: уй эгаларини уй-жой-коммунал хизматларнинг ҳар хил турлари ва электр энергияси билан таъмин-лашни яхшилаш билан

боғлиқ масалаларни Уй э-галари кенгаши ваколати до-ирасида биргаликда ҳал этиш; уй эгалари томонидан уй-жой-коммунал хизматлар ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаиши устидан жамоат назоратини ташкил этиш;

уй эгаларини уй-жой-ком-мунал хизматлар ва электр энергияси билан узлуқсиз таъминлаш учун жавобгар бўлган ташкилотларнинг фа-олияти устидан жамоат назо-ратини ташкил этиш;

уй эгаларининг уй-жой фонди ва бошқа қўйма мул-кини умумий улуши мулки-ни муқаммал тузатиш маса-лаларини биргаликда ҳал этиш; Уй эгалари кенгашига кир-увчи уй эгалари билан пудрат-чилар ўртасида уй-жой-коммунал хизматлар сифати ва узлуқсиз қўрсатилиши, электр энер-гияси билан таъминлаш учун шар-тномалар тузилишига ва ушбу шартномалар бажарилишига қўмақлашиш;

Уй эгалари кенгашига кир-увчи уй эгаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви ор-ганларида, судларда уй-жой-коммунал хизматлар ва электр энергияси билан таъминла-нишга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда уларнинг ман-фаатларини ифодалаш.

III. Уй эгалари кенгашининг ташкил этилиши ва унинг рўйхатдан ўтказилиши

УЙ ЭГАЛАРИНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ЖАМОАТ ОРГАНЛАРИ — УЙ ЭГАЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ТЎҒРИСИДА Н И З О М

3.1 Уй эгалари — турар жой эгаларининг ўзини ўзи бошқариш жамоат органлари: шаҳарларда — ҳар бир кўп квартиралар уйда, ёхуд уй-жой мавзесида ёки яқна тартибда қурилган уйлар жойлашган маҳаллада; қишлоқ жойларда — фуқароларнинг мавжуд ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла, қишлоқ ва овулар йиғинлилари) тасарруфидagi ҳудудларда мажбурий тартиб-да ташкил этилади.

3.2 Мазкур низо-мининг 3.1 бандида белгиланган ҳудуд-да яшовчи барча уй эгалари Уй эгалари кенгаши аъзола-ри ҳисобланади.

3.3 Уй эгалари кенгаш-лари уй-жойларнинг истаган эгаси, ёхуд уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари раҳбарлари ёхуд маҳалла қўмиталари, ёхуд туман (шаҳар) ҳокимлигининг та-шаббус бўйича қақрилла-диган уй-жой эгалари йиғилишининг қарори билан ташкил этилади.

3.4 Уй эгаларининг бири-ни йиғилишида Уй эгалари кенгашини ташкил этиш, Уй

эгалари кенгаши раиси ва унинг ўринбосарларини сай-лаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

3.5 Уй эгалари кенгаши ра-иси этиб Уй эгалари кенгаши аъзолари ўртасида обрў-эти-борга эга бўлган уй-жой э-галаридан бири сайланади. Уй эгалари кенгаши раиси ва унинг ўринбосарлари йиғилишида ҳозир бўлган Уй эгалари кенгаши аъзолари-нинг оддий кўпчилик овози билан сайланади.

3.6 Уй эгалари кенгашини рўйхатдан ўтказиш Уй э-галари кенгашини ташкил этиш, унинг раиси ва ўринбосар-ларини сайлаш тўғрисида йиғилиш қарори тақдим этилган ҳолда тегишли уй-жойлардан фойдаланиш таш-килотларида (уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси, тузатиш-фойдаланиш бошқармаси, ижара корхона-си ва бошқалар), ёхуд маҳалла қўмиталарида (уй-жойлардан фойдаланиш таш-килотлари мавжуд бўлма-ганда) амалга оширилади.

IV. Уй эгалари кенгашининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1 Раис ва унинг ўринбо-сарлари Уй эгалари кенгаши номидан:

Уй эгалари кенгашининг ҳар бир аъзоси томонидан уй-жой-коммунал хизматлар сиф-фатли қўрсатилиши ва электр энергияси узлуқсиз берили-ши учун ягона пудратчи би-лан шартномалар тўғри тузи-лишига қўмақлашиш;

уй эгалари номидан ягона пудратчида сул инстанцияла-рига даъво аризалари бериш-гача шартнома бажарилиши-га сўзсиз рия этилишини та-лаб қилиш;

Уй эгалари кенгаши вако-латига кирувчи масалаларни ҳал этиш зарурлигига кўра Уй эгалари кенгаши йиғилишини қақририш;

коммунал хизматлар ва электр энергияси учун тўловларнинг ҳолатини мустақил равишда ёки уй-жой-лардан фойдаланиш идорала-ри органлари ва «Ўзэнергия-назорат» корхонаси билан биргаликда хатлаш; уй-жой-коммунал хизмат-

лар ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаишини таъминламаган Уй эгалари кенгаши аъзоларига нисбатан ахлоқий таъсир қўрсатиш чора-тадбирлари қўриш;

уй-жой фондини кўздан кеңириш, жорий ва муқаммал тузатиш учун уй-жойларни танлаш бўйича комиссиялар ишлаш қатнашиш, турар жой-лар ва уларнинг асбоб-уску-наларининг техникавий ҳола-тини вақти-вақти билан ойма-ғи жамоат текширувидан ўтказиш;

уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотининг ҳужалик-молия фаолиятини тафтиш қилишда ўз ваколати доирасида қатнашиш учун ўз вақилини ажратиш ҳуқуқига эгадир.

4.2 Раис ва унинг ўринбо-сарлари Уй эгалари кенгаши номидан:

Уй эгалари кенгаши барча аъзолари томонидан уй-жой-коммунал хизматлар ва электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида тўлаш бўйича ягона пудратчи билан тузилган шар-тнома мажбуриятлари қуза-тиш рия этилишини куза-тиш боришга;

Уй эгалари кенгаши аъзо-ларидан қимдир ҳақ тўламаган тақдирда уй

Буюк адибимиз сарлавха тағидаги сатрларни 1915 йилда ёзиб, «Жувонбоз» номли ҳикояси (бу адибнинг биринчи насрий асари, эпиграфимиз эса, биринчи шеъри) охирида эълон қилинган. Бундан олдинроқ адибнинг «Тўй» сарлавхали шеъри ҳам ёзилган эди... Аммо гап ҳозир бошқа томонларда бўлса-да, ҳозирги мавзунимизга гоёт алоқадор эканлиги фикримиз давомиди маълум бўлади...

Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, мазрака-маросимларни ўтказишни тартибга солиш ҳақидаги Фармонидан ҳамма хабардор. Софдил фуқароларнинг бу Фармонни кўнгли тўлиб уни қабул қилишига заррача шубҳа йўқ. Ивгогар учун эса, бу ҳам «эркинлик, демократиянинг бузилиши» деб талкин этиши мумкин ва биз бундай кўпиклардан ҳадиксираб яшайдиган ўтганимизга минг шукри, етти йилдан ошди... Бу Фармондан илгари хизмат мансабини суиистеъмол қилган солиқчи бойваччанинг ишдан олиб ташлангани ҳақидаги Фармонни ўқидик. Давлат буюжети-ни тўлдириш ўрнига ўз чўнтагини тўлдириш дарадида яшайдиган амалдорлар илгари — ҳонлик даврларида ҳам бўлган ва уларни буюк адибимиз Абдулла Қодирий — «Чўталчи беклар» деб атаган эди. «Чўталчилар» доим ивгогарлик қиладилар, хонга бир-юнавлари, бир-юнавларга хонни ёмонлаб, гоҳо шу заминда, шаҳар ва қишлоқларда тўс-тўполонлар чиқариб, ҳар қандай вазиятларда ҳам ё хондан, ё халқдан, албатта даромад қиладилар. Улар учун ватан, миллат, жамият, келажак, тараққиёт сингари энг юксак мақсадлар тушунчаларининг сарик чақалик аҳамияти йўқ. Чўки улар инсоний фазилатларини йўқотиб, аллақачон юлғичлик деган энг тубан одатга ўрганиб қолганлар. Ҳа-миратдаги эгуликларнинг барчаси улар учун бегона, аҳамиятсиз, ке-раги йўқ бўлиб қолган.

Лекин шу қабилдаги кимсаларнинг ҳаёти ҳамиша оқибат-натижада фожиалар билан тугаган. Бизнинг фикримизга эътибор қилаётган юксак онгли шахслар — кўпм узқоқа бормай, ўз қариндош-уруғлари, ошна-оғайнларига, ёри-биродарлари орасида ана шундай «чўталчи»ларнинг ўзлари, оилалари қандай яшаган эдилар-у, ҳаётлари қандай ақунлангани-ни жуда яхши тасаввур этсалар керак, зеро ҳаётда бундай воқеалар гоёт сероб...

Кўриниб турибдики, мавзунимиз гоёт жиддий, ҳаётий, бинобарин жуда нозик. Агар кўр-қуруна бу мавзуга ёндошадиган бўлсак, ким-ларгадир ивгога баҳона топилади. Негаки, мустақил республикамизда нимакики тадбир ўтказилаётган бўлса, қарағуй! одамлар албатта бир қингир маъно ахтариб қоли-шади...

Тўй — ўзбекнинг олий мақсадларидан бири — бу тўғри. Ўғил-қиз кўрган эски умр бўйи шуларнинг тўйини қуриш ҳаваси билан яшайди, ишлайди, пул тўплайди, мол йиғайди. Бу — ўзбекнинг миллий одати. Ўлғайи уй-жой қуриб бериш тўғрисида қайғуриш, қизини дурустроқ жойга узатиш ташвишлари, тўйларни иложи бо-рича яхши ўтказишга интилиш ҳам ўзбекларда энг катта озорлардан ҳисобланади... Ҳўш, Президентимиз мансабпараст-даромадхўр-ларни ишдан олиб, тўй-ҳашамлар-ни тартибга солиш ҳақида

қайғурса, бу тадбирлар халқимизга нимаалар беришини чуқур идрок этадиганлар билан, умуман ҳаётда ўзидан бошқани билмайдиганлар тушунчаси ўртасида фарқ борми, ё йўқми? Ахир тўй — дабдабозлик, мактанчоқлик, ҳўжакурсинга қили-надиган тадбирлардан эмас-ку! Қизиги шундаки, ноқонуний йўл билан пул тоғналган тўй қилган-ларидан атрофидогилардан бутунлай фарқ қилиш учун — ҳамма нарсани ошириб-тошириб юборадилар... Ҳўш, Айниса ичкиликка зўр бериб ёшу қарини маст-эласт қилиб ўнатиб, ўйлаб эмас, йигирмалаб, элликлаб чопон кийгазиб, тўйларда ашулачи билан донг таратмоқчи бўладилар... Кейинги пайтларда текинхўрларнинг тўйларига бора-

эшиттирмайди... Бунинг устига ҳамма маст-аласт ўйинга тушади, томошабин йўқ, ўйинчи кўп, ўйин-чи эмас, ўта бетартиб хатти-ҳара-катлар, бемаъни қилиқлар йигиндисидан иборат бир тўплам ҳолос...

Ана энди бир ўйлаб кўрайлик, биз жиндек изоҳлаб ўтган манза-раларни ҳамма билади, бирор кимса уни инкор этмайди, бирок индамай юради, лекин бурчак-бурчакда гапириб юради... Ҳўш, Фармонда таъкидланган муҳитни бузиш шундай вазиятларда пайдо бўлмайди-ми? Биров текин пул то-пиб дабдабали тўй қилса, ёнида-ги қўшниси унга қучи етмай ғазаб ва нафрат билан қараса, асли иф-лос муҳит шу эмасми? Ялғачилар деб ном олган санъат деган буюк бир оламдан олис ўткинчи-лар эса, айни ўша ҳўжакурсинларга кўпроқ югуришади... Тошкентдаги Навоий кўчасини биласиз. Шу кўчанинг Ўрдадан бир бекат Хадра томонга юриш-да тўхташ жойида бир воқеага кўпчилик гувоҳ бўлди: бир қўшқичи ўзбек қуйлари, сўзаларини ўзича, истаганча «ясаб» миллий руҳдан тамоман олис қилиб айтиб юрган бир кимса ту-рибди. Ёнида қизил «Мос-квич» машинада қишлоқдан келган бир оддий кийин-ган, дўпчилари ҳам кирчи-мол, содда одам... Чамаси икки соатлар бурун гапла-риб турган эди, ҳамон гаплари давом этади... Биз ўша жойга ки-риб кетаётганимизда қандай ту-ришган бўлсак, ҳамон шу-шу ту-риш... Ашулачи бизни қириб кетаётганимизда ҳам, чиқиб келаётганимизда ҳам кузатди... Қишлоқдан келиб ўнга яқиниб етган бечора на бизни қўрди, на кузатди. Чўки унинг вазифаси битта — ўша юлғич ашулачини хил арзонроққа қўндириш... Бу арзонроққа осонга тушмаётгани кўриниб турибди... Биз юқорида айтган эш сўмлик бўлса олиб, бошқача пулни болаларга «ҳадя» қилган кимса ўша эди...

Ҳўллас, тўйдек бир муқаддас тадбирни бузиб-ёриб, уни обрў, ёки, ҳатто, даромад манбаига айлантираётганларга қарши қаратилган Фармоннинг моҳиятини ҳар бир табақа вақили онгига ет-казиш — ушбу Фармоннинг гоғвий мундариҳасини ташкил этади...

Тўйлар бўлаверсин, ўғил-қиз-ларнинг тўйларини, орзу-ҳавасла-рини қўришдек ўзбек миллий ҳис-туйғусини ҳеч ким қоралаётгани йўқ, қораламайди ҳам. Бирок ҳар бир ишда меъёр деган бир олий ҳакам бор. Бугина эмас, ҳаётда ёзилган қонунлар бор, ёзилмаган қонунлар бор. Ёзилмаган қонун-лар ёзилганларидан кўпроқ ва салмоқлироқдир. Чўки, ёзилма-ган қонунлар — асосан шахсининг маданиятини, одамгарчилигини, бир сўз билан айтсак бутун маъ-навий қиёфасини белгилайди. Не-гаки, ҳаётни инсонларнинг яшаш тарзини тўла-тўлиқ ўз ичига ола-диган қонун ҳали яратилган эмас, инсоният пайдо бўлгандан бун-шунга интилади, «аммо ушн уда-лай олгани йўқ... Аммо ёзилма-ган қонунлар виждон, иймон, ҳар бир шахсининг маънавий оламига боғлиқдир... Зеро инсон тафқу-ри — худди қонинг сингари че-ксиз, чегарасиз, хилма-хил ва ол-диндан ҳеч қачон аниқ қилип би-лан белгилан бўлмайдиган бир мўжизаки, буни фақат юксак он-гли шахсларгина чуқур идрок эта-дилар... Кўриниб турибди, мавзу кенг, ўта мураккаб, ҳали бу ҳақда яна қўллаб-фирқ-мулоҳазалари айтишга тўғри келса керак...

Аҳмад АЛИЕВ,

адабиётшунос олим.

Тўй — асли ЎЗБЕКНИНГ КАТТА ОРЗУСИ...

Кўр бизнинг аҳволимиз —

Ғафлатда қандай ётамиз!

Жойи келган чоғида —

Виждонни пулга сотамиз.

Абдулла ҚОДИРИЙ.

диган ялғачилар — доллар бўлса ёки ўш сўмлик бўлса олиб, ундан майда пулларни тўйда тўполон қилиб юрган болаларга бериб юбо-ришини ҳам одат ва обрў деб била-диган бўлибдилар...

Тўйда пул кистириши — айрим жойларда пул кистириш тўй эгаси-га қилинган тўёна сифатида қабул қилиниб, тўй эгаси боғи бойвачча қанча пул кистирса ялғачига у ҳам шунча кистириши керак бўлиб қолибди... Бу ҳам камлик қилгани-дек, ёш-ёш раққосалар тўйда ўйнаш баҳонаси билан ҳар бир меҳмон олдида келиб сўйқалишиб, муқом қилиб туришади, то ўша меҳмон йирикроқ пул кистирмагун-ча унинг олдида кетишмайди... Ундан пул олдимиз, энди унинг ёни-дагига шундай ишва қилади, жой-дан қўзғалмай суйканади, ҳеч ким-дан тортинмайди, уялмайди, унинг назарида тўйда ўтирганлар ҳеч ким эмас... Айтинчи, ўзбек аёли па-ранжи ташлаб, озодликка чиқиб, бориинки, қизил империя даври-даги расмий иборалар билан айта-диган бўлсак, «эрлар билан тенг ҳўқуқли» бўлиб шунга эришдилар-ми? Шарму ҳаё қайда қолди? Ҳаёси бориинг иймони бор» дей-илади... Ҳаё қани? Иймон қани? Шўнча эркаклар олдига галма-гал муқом қилиб туриш — ҳўқуқни та-нигани белгиси бўлиб қийди-ми? Бу ҳақда жуда кўп гапириш мум-кин. Чўки яқиндагина бир неча одамлар маҳалладан камингага му-рожаат қилиб, «Шў тўйда пул кист-иришга қарши бирон нарса ёсан-ғиз-чи!» деб илтимос ҳам қилган эди... Биз айтган пул кистириш ва шарму ҳаёсиз ўйинчилар қўнгина шаҳар ва вилоятларда авжга чиққанига ўзимиз гувоҳ бўлдик. Бу ҳол бошқа жойларда ҳам бор, ҳамма билади... Ана шу хатти-ҳара-катлар орқасида тўйларда санъат-дан ўта олис ашулачи, ўйинчи, муқасқиллар тўс-тўполон қўтариб, ўтирганларнинг ёнидаги гапни ҳам

Пойтахтимизда Тошкент шаҳар ҳокимининг қаро-рига биноан 1998 йилнинг 26 октябидан бош-ланган ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш бўйича кузги икки ойлик ушқоқлик билан олиб боришмоқда. Икки ойликнинг асосий мақсади ҳамда шу бугунги кунгача олиб боришган ишлар ҳақида шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бош агрономи Лазоқат Исмолова қуйидагиларни гапириб берди:

— Айни кунларда шаҳримизда давом этаётган ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш икки ойликнинг олдида қўйган асосий мақсади — пойтах-тимиз кўчалари ва хиёбонларини кузги ҳазон-дан ўз вақтида тозалаш, ҳа-зонларни ёқини қатъий назорат остига олиш, дов-дарахтларга шакл бериш, қўриган-чириган дов-дарах-тларнинг ўрнига янгиларни экиш, хиёбонларни обо-донлаштириш, тулхоналар-ни тартибга келтириш, май-сазорларни тозалаш, сув шохобчаларини, каналлар-ни, сув қўриқларини тоза-лашдан иборатдир.

Бошқарманиз қошида икки ойликни ўтказиш бўйича штаб ташкил этил-ган бўлиб, у ҳар кунги иш якунларини қўриб чиқади ҳамда эртанги режалар аниқ белгилан олинади. Шў билан бирга ишдаги камчилик-лар аниқланиб, уни тезда бартараф этиш чора-тадбир-лари қўрилади, штаб аъзо-ларига муҳим топшириқлар юқлатилади. Туман ободо-нлаштириш бўлими бош-ликлари, шаҳар санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори, санитар милицияси ходимлари, чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш бўйича тузилган дирекция — штаб-нинг асосий аъзолари са-наиб, уларнинг сазй-ҳара-катлари билан ишда мува-фақиятларга эришилмоқда. Шўнингдек, бу ишга маҳаллалар аҳли, корхона ва ташкилотлар, мактаб ва

муассасаларнинг жамоалари, тиббийёт соҳаси ходимлари ҳам кенг жалб этилган. Айниса, Сергели, Миробод, Ҳамза туманларида бу бора-даги ишлар режа асосида ушқоқлик билан амалга оширилмоқда. Айни пайтда режада белгиланган қўзғи-баҳорги гуллар экиб бўлинди,

ва бу иш муваффақият билан амалга оширилмоқда. Акмал Икромов туманидаги Луғтйи, Юнусобод туманидаги Асо-мов, Миробод туманидаги Мовароуннаҳр, Чиковани, Ну-кус, Шайхонтоҳур туманида-ги Навоий, генерал Ўзоқов, Абай, Собир Раҳимов тумани-даги Сағбон, Қорасарой, Фо-робий, Яқкасарой туманида-ги Усмон Носир, Муқимий шохқўчалари ана шулар жум-ласидандир. Шўнингдек де-кабр ҳамда январь ойларида игна баргли дарахтларни экишни йўлга қўйиш режа-лаштирилган.

Тадбир давомида пойтахт-мизга 5630 тулхона, 3000 тулхон зиёд мевади,

зонларни ёқин қатъий ман этилганлиги алоҳида қўриқчилар. Бу йил ўтган йилга нисбатан шаҳримизда ҳазонларни ёқин сезилар-ли даражада қамайган. Лекин айрим аҳоли зич ҳудудларда болаларнинг гуғурт ўйнашлари, баъзи қашандларнинг сигарет қондиқларини бепарволик билан ҳазонлар тўплаган жойга ташлашлари оқибатида атроф-муҳитга ҳам зарар етмоқда. Баъзи ташкилот ва муассаса раҳбарларининг тушуниб туриб ҳазонларни ёқатганлиги эса гоётда ачинарли ҳолдир.

Шаҳар санитар милиция-си томонидан ҳар кун тек-ширишлар ўтказилиб, бундай ҳоллар аниқланганда жари-малар солинмоқда. Чўнозор туманидаги 4-ижара корхона-си раҳбари Абдурашид Холхўжаев, 4-болалар сана-торийси директори Йўлдош Эргашев, 284-болалар боғчаси мудираси Раъно Раҳматуллаева ҳамда ҳўқалиқ мудираси Ёлтушенқоларга ўз ҳудудларида ўзбошимчалик билан ҳазонларни ёққанла-ри учун жарима тўлашга тўғри келди. Соғлиқ учун зар-рарли эканлигини билиб ту-риб, бундай ишга йўл қўйган соғлиқ қосбони ва болалар тарбиячиларига нима дейиш мумкин?

Пойтахтимиз Шарқда машъал энг гўзал шаҳар-лардан бири ҳисобланади. Айни кунларда эса мустақил юртимиз пойтахтига қўнға юзлаб хориқлик меҳмонлар ташриф буюрмоқда. Шаҳримизни жаҳоннинг энг қўзғи қўриган шаҳарлари қаторида қўришимиз учун унинг гўзаллигига қўрқ қўи-шимиз, ободончилиги ҳамда қўқаламзорлаштирилиши, ҳамиша озода бўлиши ҳар биримизнинг вазифамиз эканлигини унутмаслигимиз шарт.

Сўхбатдош

Шоҳида ИСАЕВА.

«Аҳил оила — муқаддас Ватан» кўрик-танловига



Данагидан мағзи ширин, деганлари шу бўлса ке-рак.

Равиль Альбеков олган сурат-лавҳа.

Кўрик-танлов ҳомийси

«Glosh-Yoshchi»

фирмаси.

Муҳаммад Ризо Оғаҳий XIX аср ўзбек адабиётининг йирик намоянда-си ва ўша даврда Хоразмда вужудга келган адабий ҳаракатнинг илғор ва-килидир. Оғаҳий ўзининг юксак ис-

теъдоди, сермахсул ижоди билан за-бардаст олим, талантили шоир, етук тарихчи, моҳир таржимон сифатида адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутати.

Оғаҳий 1809 йили Хоразмнинг Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилди. У тоғаси Шермуҳаммад Мунис қўлида ўсди ва таълим олди. Бошланғич таҳсилдан сўнг мадрасада ўқиди. Навоий, Ғузулий, Бе-дил каби Шарқ халқлари классикларининг асарларини муҳаббат билан ўрганди.

Муҳаммад Ризо отаси Эрнётбек вафо-тидан сўнг оила бошлиғи бўлиб қолди. Шў тўғрисида у дастлаб деҳқончилик билан шугулланди, сўнг ҳарбий хизматда бўлди. Хонликда мироблик вазифасини адо этиб келаётган шўр Мунис 1829 йилда вафот этган унинг ўрнига Оғаҳий мироб этиб тай-инланди. Бу вазифа жуда масъулиятли бўлиб, сўнғий сўғришга асосланган ўлка

гўзал ифодалаган ғазалларига ўхшатиб бай-тлар ёзди. Ишк-муҳаббатга оид ғазалла-рида ҳам, албатта, ҳаёт, киши фазилати, нуқсонни тўғрисида бирон фикр айтилади:

Етиб васлингга бўлди барча олам шод, мен қолдим, Даме бўлмай фироқинг бандидин озод, мен қолдим.

Тоғиб ширин сўзингдин мурдадан ком ила роҳат,

Кўруб кофир қўзингдин зулм ила бедод, мен қолдим.

Оғаҳий халқ фарзанди. У кўп вақт халқ орасида бўлди. Улар аҳолидан ақиндан огоҳ бўлди. Шў боисдан ҳам кўп ғазалла-рида улар тилидан сўзлайди, халқни ях-шилик сари етаклайди.

Шўқрим, эрур қадрим факр эли аро олий,

Аҳли жоҳ олида гарчи эътиборим йўқ.

Оғаҳий лирикасининг асосий хусусият-ларидан бири унинг чуқур санмиёт ва юк-сақ бадийлигидир. Унинг инсон қалби-нинг энг нозик ва нафис туйғуларини ўша-ндай «латофат» билан баён этуви ўйноқ, серизамун ва оҳангдор шеърлари ҳамон халқимиз томонидан зўр муҳаббат билан ўқилиб, қуйланиб келмоқда.

Оғаҳий ўзининг бир неча тарихий асар-лари билан ўрта Осиё тарихи фанига қи-матли ҳисса қўшди. У ўз устози Мунис Хо-размий томонидан бошланган «Фирдавс-ул-иқбол» номли тарихий асари давом эт-тирди. Бундан ташқари, Оғаҳий Хоразм та-риҳига оид беш мустақил асар ёзди. Бу-лар «Риёзуд-давла» (1825-1843 йиллар та-риҳи), «Зубдатут-таворих» (1843-1846 йил-лар тарихи), «Жомилу-воқеоти султоний» (1846-1855 йиллар тарихи), «Ғулшани да-влат» (1856-1865 йиллар тарихи), «Шоҳид ул-иқбол» (1865-1872 йиллар тарихи) аса-ридир.

Оғаҳий ўзининг бу тарихий асарлар билан Хоразмнинг ярим асрдан ортиқроқ дав-ри акс эттирувчи тарихий хроникасини яратди. Бу асарлардаги жуда кўп матери-аллар Хоразм хонлигининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётини, ташқи мамлакатлар билан муносабатларини ўрганишда, аҳолининг турмуши, урф-одатларини тадқиқ этишда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Оғаҳий адабий ва тарихий асарлар яра-тиш билан бир қаторда шарқ халқлари адабиёти ва тарихининг қимматли намуна-ларини ўзбек тилига таржима қилди. Жум-ладан, Саъдий Шерозийнинг «Ғулстон», Абдурахмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо», «Бахористон», Хилолийнинг «Шоҳ ва Ғадо», Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар» асари, шўнингдек фалсафий, ахлоқий-таълимий характерга эга бўлган «Қўбсонома», «Зубдатут-ҳикоят», «Мифтоҳ ут-толибин», «Ахлоқи Мухсиний» каби асар-ларни ўзбек тилига таржима қилди.

Оғаҳий бир қатор тарихий асарлардан «Тазкирани Муқимхоний», «Табақоти Акбаршоҳий», «Тарихи Нодирий» ва «Рав-зат ус-сафо»нинг айрим жилдларини ҳам форсчадан ўзбек тилига ағдарган. Умуман, Оғаҳийнинг бадий ва тарихий таржима асарлари йигирмага яқин. Бу фактлар Оғаҳийнинг таржима адабиёти тараққиётига ҳам муҳим ҳисса қўшган ижодкор эканли-ни қўрсатиб туради.

Оғаҳий ўз ҳаётининг охириги йилларини қишлоғи Қиётда ўтказди ва 1874 йилда вафот этади.

Фатхулла ФАНИХЎЖАЕВ.

Республикамиз ва шаҳримизда ногирон-ларни ижтимоий муҳофаза қилиш, улар дарадида маълум бўлиши, тиббий тик-лаш, иш билан таъ-минлаш мақсадида пойтахт ижтимоий-таъминот бошқарма-си ва бошқа ташқи-лотлар томонидан кенг қўламадаги иш-лар амалга оширил-моқда.

Биз билан сўхбатда Тошкент шаҳар ижти-моий таъминот бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ижти-моий ёрдамни таш-киллаштириш бўлими бошлиғи Саида Муса-жонова бу борада қилинаётган ишлар ва Халқаро ногирон-лар кўнига тайёргар-лик юзасидан қўй-идагиларни сўзлаб берди.

— Ногиронларнинг са-ломатликларини тиклаш энг муҳим вазифадир. Бу-нинг учун туманларда ре-абилитация марказлари ташкил этилган. Юнусо-бод туман ижтимоий таъ-минот бўлимида махсус ҳисоб рақами очилиб ўнга тушган маблағ ногирон болаларни «Умид» тиббий тиклаш марказида дово-ланиши ва ўсимир ноги-ронларга кийим-кечаклар харид қилиб, тақдим этиш учун сарфланмоқда.

Шаҳар ижтимоий-таъ-

3 декабрь —
Халқаро
ногиронлар кўни

МОДДИЙ ВА
МАЪНАВИЙ
КЎМАК

минот бошқармаси тизи-мида иккита болалар ва битта эркаклар «Мурувват» уйи ақлий ва жисмонан заиф ногиронлар учун хизмат қўрсатмоқда. 1-бо-лалар «Мурувват» уйида тикувчилик устакхонасида ишлаб оладиган болалар гуруҳи ташкил этилди ва унда 296 донга юмшак ан-жомлар тайёрланди. «Му-рувват» уйида жисмоний даволаш заллари ва уқалаш хонаси, соғлом-лаштириш гуруҳлари иш-лаб турибди. Барча ноги-рон болалар йилгига икки маротаба — баҳор ва куз-да тиббий қўриқдан ўтка-зилиб, унинг натижалари-га қўра тиббий муолажа-лар белгиланади.

Иккала болалар «Му-рувват» уйида Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кўни муносабати билан ҳомийлар маблағига бола-ларни чинқитириш учун сув ҳавзаси ёнида бола-лар ўйин майдонларини қўриб топширилади.

Пойтахтда 1600 нафар яқка-ёғиз пенсионер ва ногирон ҳисобга олинган. Улардан 1557 нафарига ижтимоий ёрдам қўрсат-увчи ходимлар хизмат қилмоқда. Протез-ортопе-дия бўлими билан но-гиронларни таъминлаш учун 1998 йилнинг ўтган 9 ойи давомида 3994та махсулот билан таъмин-лаш учун «Ижтимоий-таъ-минот вазирлиги томони-дан 15,210 сўм миқдорда маблағ сарфланган. Шаҳар ҳокимлиги томонидан ак-реллар маблағига шў йил-да ногиронларга 203 донга эшитиш мосламаси, 81та аравача олинди.

Пенсионер ва ногирон-ларнинг саломатликлари-ни тиклаш учун ижтимоий-таъминот тизимидаги «Товқосой» сикатхотига бу йили 443та, «Олтинрик» сикатхотига 265та, «Нуро-нийлар» оромгоҳи» дам олиш мосламалари эса 272та йўлланма ажратил-ди. Бошқарма тизимидаги ҳунар-техника билим юр-тида ўтган икки йил даво-мида 272 ўқувчи ногирон-ларга 6та ихтисослик бўйича ҳунар ўргатилди.

— Халқаро ногирон-лар кўни муносабати билан қандай тадбир-лар амалга оширилмоқ-да?

— БМТ Бош Ассамбле-ясининг 1992 йил 14 ок-тябрдаги «Халқаро ноги-ронлар кўни тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда Халқаро ногиронлар кўни-ни нишонлаш мақсадида шаҳар ҳокимлиги томони-дан ногиронларга арава-ча, эшитиш мосламалари олиб бериш учун 10 миллион сўм миқдорда маб-лағ ажратилди. Бундан ташқари туманларда ҳам алоҳида тадбирлар ўтказилмоқда. Улар албат-та туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари, тур-ли жағфармалар ва корхо-налар томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда та-шкил этилмоқда. Улар то-монидан ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам сифатида совға-са-ломлар улаштирилиб, ётиб қолганларга уйларига бор-ган ҳолда ногиронлар ара-вачалари, совғалар тақдим этиш мўлжалланган.

Дилшод ИСМОИЛ сўхбатлашди.



Ёшлар — жамиятимизнинг фаол аъзоларидир.

Рустам Шарипов олган сурат.



XIII Осиё ўйинлари олдидан ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ ЕТАРЛИ

Кўпчилиги ишқибозларни XII Осиё ўйинларининг ғолиблари ҳисобланмиш футболчиларимизнинг тайёргарлиги, имкониятлари кизиқтирмакда.



Маълумки, бу йил футбол бўйича VII миллий чемпионат баҳслари жуда кизиқарли ва сермахсул ўтди. Терма жамоага номзодлар ҳам ўзларини энг яхши томондан кўрсатишди. Албатта, маҳоратли чарм тўп усталарининг кўпчилиги туфайли терма жамоа аъзоларини танлаш жараёни осон кечмади. Бразилиялик мутахассис Убеража Вега да Силва раҳбарлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси «штаби» XIII Осиё ўйинлари ташкилий кўмитасига 23 та футболчининг рўйхатини юборди. Улар куйидагилардан иборат: дарвозабонлар: Павел Бу-галов («Навбахор») ва Олег Беляков («Навбахор»); ҳимоячилар: Рустам Шоймардонов, Бахтиёр Камбаралиев, Александр Хвостунинг («Крилья Советов»; жамоасидан), ҳимоячи Эдуард Маматов («Черноморец», Новороссийск), ярим ҳимоячи Андрей Федоров («Алания», Владикавказ), Александр Саюн («Торпедо», Москва) шулар жумласидандир.

Яқинда футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасини футболчилари Хиндистонда сафарда бўлиб, машғулотлар ўтказишди ва назорат-ўртоқлик ўйинларида иштирок этиб қайтишди. Турли сабабларга кўра унда энг кучли чарм тўп усталаримиз — А. Фёдоров, А. Саюн, М. Қосимов, И. Шкирин ва О. Пирматовлар иштирок эта олмашди. Шундай қилиб, Хиндистон терма жамоаси билан ўтказилган дастлабки

ўйинда 0:0 ҳисоби қайд этилган бўлса, иккинчи беллашув ҳамюртларимизнинг 4:0 ҳисобидаги йирик ғалабаси билан тугади. Қибрайдаги ўқув-машғулот базасидаги сўнгги машғулотлардан сўнг 28 ноябрда Наманганда «Навбахор» жамоаси билан сўнгги учрашувни ўтказган футболчиларимиз Бангкокка жўнаб кетишди.

Ўйлаيمизки, гуруҳдаги 3 декабрь куни энг кучли рақиб — Кувейт терма жамоаси билан ўтказиладиган Осиё ўйинларининг дастлабки учрашув терма жамоамиз учун кўп нарсани ҳал қилади. Кувейт «тўсқиндан» муваффақиятли ўтилса, Осиё ўйинлари чемпионлиги унонини ҳимоя қилишимиз учун имкониятларимиз сезиларли даражада ортади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

УМИДИМИЗ КАТТА

Маълумки, Таиланднинг Бангкок шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги XIII Осиё ўйинларида ҳамюртларимиз иккинчи бор иштирок этадилар.

Бундан тўрт йил аввал Японияда ўтказилган ўйинларда ўзбекистонлик спортчилар анча муваффақиятли иштирок этгандилар. Айниқса футболчиларимизнинг ғалабалари тилларда дoston бўлган эди.

Бу гал юртдошларимиз 20 та спорт турлари бўйича беллашувларда ўз куч-маҳоратларини намойиш этадилар. Улар орасида айниқса энгил

халқаро турнирларда ғалаба қозониб тобланган етти спортчимизга маблаг ажратилган. Ҳозир босқон улоқтирувчи Андрей Абдувалиев, ядро улоқтирувчи Сергей Кот, найза улоқтирувчи Сергей Воинов, ўнкураш бўйича Рамил Ганиев ва Олег Веретников, 100, 200 метрга югурувчи Людмила Дмитриди, узунликка сакровчи Константин Сарнацкийлар Осиё миқёсидаги энг ну-

ҳал этилмоқда. Спортчиларимиз Осиё ўйинларида пухта тайёргарлик кўришганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар Янгйободадаги республика спорт базасида машғулотларда кизгин тайёрланишди. Шунингдек, яқинда Бангкокда ўтказилган халқаро мусобақаларда 25 та Осиё давлатлари спортчилари каторида ўз маҳоратларини синаб кўришди. Унда спортчиларимиз бир қатор юқори натижаларга эришди. Жумладан, 100 метрга югуриш бўйича аёллар баҳсида Л. Дмитриди, Л. Перепелова, Г. Хубиевалар 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллашди. О. Самойленко, Л. Дмитриди, Л. Перепелова ва Г. Хубиевалар тўртлик эса 4 киши 100 метрдан югуриш эстафетасида олтин нишонларни қўлга киритишди. 100 метрга тўсиклар оша югуришда О. Самойленкога қумуш нишон насиб этди.



Спортчиларимизнинг Осиё ўйинларидаги имкониятларини баҳолайдиган бўлсак, Л. Дмитриди, Л. Перепелова, Г. Хубиева, Е. Квятковская тўртлик 44.60 сония натижа кўрсатиб чемпион бўлишлари учун барча асослар бор. Шунингдек, Андрей Абдувалиев, Сергей Воинов, Сергей Кот каби спортчиларнинг ҳам олтин нишон соҳиблари бўлишларига умид қиламиз.

Даврон ИСЛОМОВ.

атлетикачиларимиздан умидимиз катта. — Бизнинг энгил атлетикачиларимиз Осиё китасида энг кучлилардан саналади, — дейди республика иктисослашган Олимпия ўринбосарларини тайёрлаш бола-лар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори Клара Шокиржонова. — Республика давлат спорт кўмитаси ва Миллий Олимпия кўмитаси томонидан Осиё ўйинларида қатнашиш учун қўллаб

фузли мусобақаларга кизгин тайёргарлик кўришмоқда. Бундан ташқари кучли спортчиларимизнинг яна бир гуруҳи — 100, 200 метрга югурувчимиз Гузал Хубиева, босқон улоқтирувчи Виталий Хожателов, уч хатлаб сакровчи Евгений Петин, 100, 200 метрга югуришда Елена Квятковская, Любовь Перепелова, 100 метрга тўсиклар оша югурувчи Оксана Самойленколарнинг Бангкокка ҳомийлар ёрдамида боришлари

Тошкент телефони ўзининг юз йиллик тарихига эга. Бу даврда у кўллик хизматдан то жаҳон андозаларига мос келадиган техника тармоқларини ишга туширишгача бўлган йўлни босиб ўтди. Эндиликда телефон ҳар биримизнинг энг ишончли ҳамкоримизга айланган. Лекин бу «тайёр дастёр»нинг кадрига етмовчилар ҳам бор орамизда. Бундайларнинг беминнат хизматидан фойдаланишди-ю, аммо арзимас алоқа ҳақини тўлашга келганда пешоналари тиришади. Мухбиримиз Тошкент шаҳар телефон тармоғи хиссдорлик жамиятининг молия директори Султонмурод Парпиев билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Ҳозирги пайтда телефон орқали шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар ҳар қандай абонент учун оддий ҳол бўлиб қолган, — дейди бизга Султонмурод Парпиев. — Шаҳар телефон тармоғидан турли йўналишларда кўнграқ қилиш, Интернет ва бошқа турдаги йирик халқаро тармоқларга уланиш мумкин. Жаҳоннинг 200 мамлакатига билан 400 та канал бўйича юқори сифатли, рақамли алоқанинг кабель ёки сунъий йўлдош каналлари ташкил этган. Бу мақсадлардан чет эллик ҳамроҳлар ёрдамида янги ускуналарни қўллаш орқали мустақил алоқа тизимига эга бўлиш имконини берувчи қудратли станциялар қурилди. 1990 йил билан таққослаганда халқаро сўзлашувларнинг сони 40 мартага ортди. Жуда катта (шу жумладан чет эл валютасида ҳам) харажатлар қилинпти. Маҳаллий тармоқда, масалан, Тошкентда 120 миң рақамли янги электрон асбоб-ускуналар қўйилди. Бу барча тармоқ ҳажмининг тўртдан бирини ташкил этади. Хизматлар сифатини яхшилаш уларнинг тармоқларини кенгайтириш учун барча зарурий чоралар қўриляпти. Телефон фақат маҳаллий алоқа воситасигина эмас, балки буюк мақсадларга хизмат қилувчи, яъни маълумотларни турли масофаларга тез ва ишончли етказиш, иктисодиёт, бизнес, маданият, маъиший шароитларни яхшилашга ҳам хизмат қилмоқда.

— Телефон хизматида фойдаланаётган абонентлар тўлов мажбуриятларини қандай бажаришмоқда? — Уларнинг кўпчилиги тўловларни белгиланган муддатда тўлаб туришди. Таҳлилларга кўра, абонентларнинг 35-40 фоизи тўлов қорғозларини олишлари билан ҳисоб-китоб қилишни унутмайдилар. Қолганлар эса тўлаш муддати учун оралик қилиб белгиланган 15 кунлик вақт мобайнида ўз мажбуриятларини бажаришди. Бундай тўловлар 65 фоизни ташкил этади. Баъзан шундай ҳам бўладики, қарзни ундирish учун чоралар қўрилади. Роботнинг эслатмаси, алоқа тармоғи ходимининг қарздорликига бориши, ёзма оғоҳлаштириш, уларни алоқа тармоғига таклиф этиш каби но-

ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНИБ, ҚАРЗИНИ УЗМАЁТГАНЛАР

хушлиқлар ҳам содир бўлади. Хуллас, барча чора-тадбирларни ишга солиб, тўлов ҳажмини 92 фоизга етказишга эришмоқдамиз.

Энг муаммоли ҳолат бу бегона шахсларнинг шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун ҳисобдонда белгиланган пулларни тўлашдан бош тортишдир. Бизга ёзилган аризаларнинг деярли 10 фоизи шу тоифа кишиларга тааллуқли.

— Шундайлар ҳақида мисоллар келтириш мумкинми? — Албатта. Масалан, ижарага турувчи Д... хонадон бекасининг ишонувчанлигидан фойдаланиб, унинг телефонидан 334 миң сўмдан ортиқ суммага гаплашган. Лекин у бу пулларни тўламай, ўшбу хонадонни тарк этган. Ўртада хонадон эгаси сарсон-сарғардон. Ижарачи эса қидирувда. Унинг дебиторлик қарзини ундирish иши судга оширилган. Яна бир мисол. М... исмли шахс Юнусовбоддаги ўз телефонида турли мамлакатлар билан алоқа қилишда фойдаланади. Кейин ўшбу пулларни тўламай, квартирасини сотиб кетади. Сўзлашувлар учун қайд қилинган 110 миң сўмлик пул эса янги хонадон эгасининг қўлига тегади.

Яна бир ҳолат. Телефондан абонент назоратисиз оила аъзоларидан бири ёки хонадонга келган меҳмон, қўшниллар фойдаланган бўлиши мумкин. Албатта у сўзлашув вақтида ҳисобдон белгиланган пулни тўламай кетади. Қачонки хонадон эгасига ўшбу тўлов қорғози қўлга текканда у эса «Мен гаплашмаганиман» деб туриб олади. Лекин телефондан фойдаланишнинг қонун-қоидаларида белгиланишича, абонент унга бириктирилган телефон аппаратида

олиб борилган барча сўзлашувлар учун тўлиқ жавобгар.

Умуман, шу йилнинг 9 ойи мобайнида пойтахт телефон тармоғидаги 384 миң хонадон абонентларидан 149 таси шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун олинган тўлов қорғозларини тўлашдан бош тортиб ариза ёзишган. Мутахассислар уларни қўриб чиқишди ва муножаатларнинг қўлида берилган ҳисобларнинг аниқлигини исботлаб бе-

Аччиқ, аммо очиқ гап



ришди. Бунинг учун ҳар бир ҳолат бўйича текширув ўтказилди. Тармоқ ходимлари республика ва узоқ юртларга кўнграқ қилиб, ҳақиқатни аниқлашди. Ахир бу қанча овозгарчиликни талаб этади. Шундай «уддабуронлар» ҳам борки, улар турар-жой йўлақларидаги шкафлар, тақсимловчи симлар орқали бировларнинг телефон жуфтликларига уланиб оладилар ва бир неча муддат давомидан ундан бемалол фойдаланиб турадилар. Агар телефон эгалари ўз аппаратларининг ишталолишини ҳақиқат назорат қилиб турсалар, юқоридаги ҳолатлар рўй бермасди.

Тошкент шаҳар телефон тармоғида тўловнинг лимит-кредит тизими ҳам жорий этилган. Бу йўналиш ўзини оқлаётими?

— Бу тизим абонентда 5 миңдан ортиқ сўм тўланмаган қарз йиғилиб қолганда сўнг алоқадан фойдаланишни чегаралаб қўйишни кўзда тутарди. Тўловларни ўз вақтида тўлаб турган абонентлар эса шаҳарлараро алоқадан «07» ёки «8-191» буюртма хизмати орқали бемалол фойдаланишлари мумкин эди. Лекин бу тизим баъзи сабабларга кўра негадир кўпчиликка маъқул тушмади. Рақамли телефон автомат станциясида эса шаҳарлараро сўзлашувларга чиқишни код билан белгилаш имконияти бор. Бунда «қулфлаш» усулидан фойдаланилади.

Бу «қулфлар» эса абонентнинг ўзи «очаолади». Аммо бундай дастурий таъминланиш, асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун чет эл валютасида қўшимча харажатларни талаб этади. Шунга қарамай, почта ва телекоммуникациялар агентлигининг «Маҳаллий Телеком» ва «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» раҳбарияти

бу хизматга эътиборни қучайтириб, Чехиядан шундай техникаларни сотиб олиш учун имконият қидирмоқда. Албатта, бу янги техникалар ўз навбатида бировнинг ҳисобига алоқадан фойдаланишни ёқтирувчи ишқибозларга чек қўяди. Уларни рухсат этилмаган телефон тармоқларига уланишларидан ҳимоялайди.

Айтиш лозимки, абонентлик тўловлар аслида эксплуатация харажатларини ҳам қопламайди. Лекин шунга қарамай, баъзилар уни ўз вақтида тўламай, ортиқча овозгарчиликларга сабаб бўлишади. Айниқса, бу борада олис масофалар билан сўзлашувчилар салмоқли ўрин тутади. Масалан, Тошкент шаҳар телефон тармоғидаги мавжуд 369 миллион сўм дебиторлик қарзининг 280 миллион сўмини мана шундайлар ташкил этади. Эҳтимол бундай сўзлашувлар абонентлар учун ниҳоятда зарурдир. Лекин улар телефон аппарати ўшагини кўтарганда ортиқча эҳтиросларга берилмай, ўз ҳамаишларини ҳам ўйлаб қўйишлари керак.

— Тармоқда дебиторлик қарзи бўлган корхона ва ташкилотлар ҳам кўп бўлса керак?

— Бу борада «Корхона номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат хиссдорлик жамияти, Тошкент трактор заводи, «Узгенгилсанот» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» кооперация уйи, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Саноат-қурилиш индустрияси, «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Электромаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Кимёкишлоқмаш» ва бошқа корхоналар етакчилик қилишпти.

Энг қулай томони шундаки, бизнинг алоқа корхоналаримиз кредитга хизмат кўрсатади. Шаҳарлараро ва халқаро алоқанинг изобла каналлари эртаю кеч миқозларини кўтarmoқда. Уларнинг ҳисоб рақамида пули борми ёки йўқлигидан қатъи назар биринчи талаби бўйича сўзлашувларни тақдим этишга тайёр. Буни миқозининг ўзи яхши тушуниши керак. Қўрсатилган хизмат учун вақтида пул тўланмаса республикада ташкил этилаётган қимматли ва юқори сифатли тезкор, замонавий алоқа жуда қийин молиявий аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Хозирданок олинган чет эл кредитларини тўлаш борасида қийинчиликларга дуч келинmoқда. Истикболда эса чет эллик шеркларимизнинг телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ҳамда модернизациялаштиришдаги иштирокларини фаоллаштириш кўзда тутилган. Бинобарин, дебиторлик қарзларига нисбатан энди чинакам «жанг» бошланади.

Суҳбатдош
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Урфоннинг тийрак кўзлари очилаётган давр. 1999 йил. Янги аср бўсағаси. Сиз «Гулистон» журнаliga обуна бўлдингизми? Қандай ташвишларга кўмилиб юргандингизни биланмиз. Болангиз мактабдан қайтадида дейди: «Синфинимиз «Ёш куч» журнаliga обуна бўлмоқчи. Пул йиғяпмиз. Кенжанинг келади. У ҳам ё «Ғунча» ённки «Гулханга» ёзилишаётганини айтади.

Биламиз. Ҳаммасини қилишимиз, ҳаммасига улгуршимиз ва ҳаммасига сармоя топишимиз керак. Замон шундай. Аммо Сизни бироз қийнаб турган муаммолар жудаям ўткинчи эканини унутмадингизми? Жудаям ўткинчи. Болангиз, албатта, «Ёш кучга», «Гулхан», «Ғунчага» обуна бўлиши керак. Бу — зарур. Бу ўткинчи эмас. Чунки урфоннинг кўзлари очилаётган давр. Чунки аср тугаяпти.

Сиз «Гулистон» журнаliga обуна бўлдингизми? Биз, тахририят аъзолари бир неча ойдан буён муҳокама қиламиз. Қандай қилиб сизнинг хонадонингизга ёруғ юз билан кириб боришининг аниқлашасизми? Биз журнал воситасида сиз билан доимий дўст тутинmoқчимиз.

«Гулистон» журнали 1999 йил ўзининг барча сонларида Шарқнинг буюк мутафаккири, файласуф ва шоир мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавий» китоби-

ни чоп этишда давом этади. Бугун «Маснавий»нинг мутлааси бизга нима беради? Ҳаётнинг ечусиз жумбоқлари ози? Инсон комиллигининг сирлари нимада? Умуман, одам боласи қандай бўлиши мумкинми? Ёхуд бу ҳам шунчаки оғзуми? Илохий ишқ билан мажозий ишқ нима? Ёр ким? Ошиқ ким?

«Маснавий» китоби етти юз йилдирки энг муҳим заминий ва руҳоний саволларга жавоб бериб келяпти. Уни Оврупо-нинг буюк фикр эгалари Кант, Гегель, Гёте ва бошқалар

Индексимиз: ташкилотлар учун — 806
Якка обуначилар учун — 820.

чқур мутлоа қилганлар. «Маснавий»нинг ҳақиқий ворислари бўлган бизлар унинг ёлғиз номини билиш билангина қияфоланмаслигимиз керак.

Йўлбошимиз ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган 155-сессиясининг ақунловчи йиғилишида сўзлаган нутқида янги аср ибтидосида зардуштий динининг муқаддас китоби «Авесто»нинг 2700 йиллиги кенг нишонланишини қайд этидилар. «Гулистон» журна-ли янги йилнинг илк сонидан «Авесто»нинг энг мўтабар бўлимларидан бири «Вандидод» китобини чопга ҳозирламоқда. Бу китоб юртимиз тарихи, жуғрофияси, урф-одати, маданияти, расм-русуми ва ахлоқ ҳақидаги энг қадимий манба ҳисобланади. «Авесто»дан ҳам қадимийроқ манба мавжуд эмас.

Журнал бу мўтабар китобни ҳам йил давомида Сиз билан мутлоа қилади. Ёш истеъодларнинг ажойиб шеърый туркумлари, санъаткорлар ҳаёти, маънавият ва маданият мавзуйига доир мулоҳазалар, ҳикоя ва достонларни журнал саҳифаларида мунтазам ўқишининг ва ўзининг ҳам иштирок этишининг мумкин.



Хаёл оғушида.

Равиль Альбеков олган сура-т-лавҳа.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

«ОЛТИН КАЛИТ» БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ БЕШИНЧИ ТИРАЖИ НОТУҚЛАРИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тошкент шаҳар, 1998 йил 30 ноябрь

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан таъсис этилган «Олтин калит» лотереясининг бешинчи тиражидида умумий миқдори 5062841 сўмлик нотуқлар ўйналиб, қуйидаги лотерея билетларининг эгалари замонавий автомобиль соҳиблари бўлдилар:

Ютук чиққан билет серияси	Ютук чиққан билет тартиб рақами	Ютук номи	Ютуқнинг қиймати (сўм)
084	000140	«ДАМАС» автомобили	974000
071	000132	«ТИКО» автомобили	683810
047	000098	«ТИКО» автомобили	683810
030	000021	«НЕКСИЯ» автомобили	1353601
083	000069	«ТИКО» автомобили	683810
081	000183	«ТИКО» автомобили	683810

Ютук чиққан лотерея билетлари ўшбу тираж ўтказилган санадан бошлаб тўрт ой муддат мобайнида Тошкент шаҳар, Виктор Малисов кўчаси 3-ўй манзил бўйича Лотереялар ташкил қилиш бошқармаси томонидан тегишли нотуқларни тўлашга қабул қилинади.

Ўшбу тиражда ютук чиқмаган лотерея билетларини ташлаб юборишга шойлимаг ва асло руҳиниғизни туширмаг, чунки «Олтин калит» лотереясининг асосий беш тиражидан сўнг, қўшимча тарзда ўтказиладиган «Омад тиражи»да барча ютуксиз билетлар қатнашади ва Сиз қимматбахо ютук эгаси бўлишингиз имконияти чексиздир. Бешинчи тираждан сўнг «Омад тиражи»нинг ютук фонди 4102860 сўмини ташкил этади.

Тираж ҳайъати раиси Х.А. Ибрагимов

Тираж ҳайъатининг масъули китоби Р.Р. Каримов

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъжияларни, таъжиялар кўчлари, тўқлар, кўй-лейлар муносабати билан кўтoвларни, ниҳоят эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёрматди.

Эълонлар ишбати ва ақнабоддан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТЕВУТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2 КАВАТ, 204-ХОНА.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, «Тошкентўқойнавоистурулиш» корпорацияси бошқаруvinинг раиси Тоҳир Обидовни Зокир-роғга волиди муқарраб.
Зулфия аз ЗОКИРОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, ҳоршанба
ва җумна
кўчалари чиқади.
Ҳафиз кўчаси
209

Нашрни етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта
буғимларига ёки «Тош-
кент почтаси»га 133-74-05
телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.